

## “АЛ-КИФОЯ ФИ ШАРҲИ-Л-ҲИДОЯ” АСАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН МЕТОДЛАР

**Илҳомжон Муроталиевич Гофуров***Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти**Тошкент ислом институти ўқитувчиси**телефон 93 480 04 40*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Жалолиддин Хоразмийнинг қаламига мансуб “ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” асарида қўлланилган методлар ҳақида сўз боради. Олим асарни ёзишда бир қанча методлардан фойдаланган бўлиб, айримлари бошқа олимларнинг услублари билан ҳамоҳанг бўлса, баъзилари ўзи хос услублар саналади. Муаллиф мазкур асарда қандай методлардан фойдаланишидан қатъий назар, бошқа олимларлардан фарқли ўлароқ, ёзишда айрим шарҳ китоблари сингари ўқувчига малол берадиган қилиб чўзиб юбориш ёки мақсадни тушунишга тўсқинлик қиладиган даражада қисқартиб юборишдан сақланиб ўрта йўлни танлаганини такидлаш ўринли. Мана шу услуб асарнинг илмий қиймитини янада ошишига ҳамда бир неча асрлар ўтишига қарамасдан олимлар тарафидан бирдек қабул қилинишига сабаб бўлган.

**Калит сўзлар.** *Манҳаж, мазҳаб, талоқ, насаб, салам савдоси, дайн, ақор (кўчмас мулк), фикҳ, ибодат.*

Жалолиддин Хоразмийнинг “ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” асари имом Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя” китобига ёзилган аввалги шарҳлардан бўлиши билан бир қаторда ҳанафий фақиҳлар орасида кенг шуҳрат қозонган ва бошқа шарҳ китобларидан бир неча жиҳатлардан устун саналиб келинган. Маълумки, бирор асар муаллифи китоб ёзиш жараёнида турли хил методлардан фойдаланади. Ана шу услублар асарнинг илмийлиги, ундан кўзланган мақсадни батафсил ёки қисқача баён этиши ва шу каби омилларни таъминлайди. Айрим мусаннифлар масалаларни баён этишда қисқа ибораларни танласа, баъзилари ўқувчига етказиб бермоқчи бўлган маълумотлари аниқ ва енгил услубда бўлиши учун узун жумлаларни ихтиёр этади.

“Ал-Кифоя фи шарҳи-л-ҳидоя” асарини ўқиган киши аллома Хоразмий уни ёзишда ўзига хос бир неча услублардан фойдаланганини кузатиши мумкин. Аввало шунини такидлаш керакки, аллома Хоразмий “Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” асарини ёзишда айрим шарҳ китоблари сингари ўқувчига малол берадиган қилиб чўзиб юбориш ёки мақсадни тушунишга тўсқинлик қиладиган даражада қисқартиб юборишдан сақланиб ўрта йўлни танлаган. Олим имом Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя” асарига шарҳ битган фақиҳларнинг манҳаж (йўл)ини баён қилиб шундай деган: “Муҳаққиқ машойихларимиз (Аллоҳ таъоло уларнинг қилиб ўтган хизматларини мукофатласин) “ал-Ҳидоя” асаридан пардани кўтарадиган, юзидан ниқобни очадиган кўп фойдали шарҳлар ёзишган. Бироқ айримлари китобдан кўзланган мақсадни очиб бера олмайдиган даражада муҳтасар бўлиб кетган бўлса, баъзилари унчалик муҳим бўлмаган масалалар билан чўзиб юборилган. Шунинг учун асҳобларим мендан

мазкур шарҳлардаги унга ҳожат тушадиган ва ишончли масалаларни жамлаб бир китоб таълиф этишимни сўрашди. Мен уларнинг таклифини Аллоҳдан ёрдам сўраган ҳолимда ва савоб умидида қабул қилдим. Аллоҳ таъоло ҳар бир ишда ёрдам сўралувчи ва қалблардаги нарсани билувчи Зотдир. “Ал-Ҳидоя” асаридаги мубҳам жойларни изоҳлаб бера оладиган, мухтасар ва катта шарҳ китобларидаги барча масалаларга кифоя қилувчи мазкур жамланмани “ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” деб номладим”<sup>19</sup>.

Юқорида такидлаб ўтилганидек, Жалолиддин Хоразмий асарни ёзишда бир неча методлардан фойдаланган. Қуйида мазкур услублар қандай ва нималардан иборат эканлиги изоҳланиб, уларнинг ҳар бирига имкон қадар асардан намуналар келтириб ўтилади:

Жалолиддин Хоразмий биринчи бўлиб асарнинг ўзини ўзи билан шарҳлашга этибор қаратган. Яъни “ал-Ҳидоя” асарида шарҳлаш лозим бўлган жумлаларни айна “ал-Ҳидоя”нинг бошқа жойларида келган иборалар билан изоҳлаб берган. Бунга бир мисол: “ал-Ҳидоя” китобининг “Гувоҳлик” бўлимида аёл кишининг гувоҳлиги қабул қилиниш ўринлари саналиб: “Сўнгра туғилиш борасида аёл кишининг гувоҳлик масаласи ҳукмини “Талоқ” китобида шарҳлаб ўтганмиз”, дейилган<sup>20</sup>. Аллома Хоразмий мазкур жумлани изоҳлаб: “Яъни имом Марғиноний “Талоқ” китобининг “насаб собит бўлиш” бобида: “Агар эркак бир аёлга уйланганидан олти ой ва ундан кўпроқ вақт ўтиб аёл бола туғса-ю, эр бу болани ўзидан эканини инкор қилса, бир аёлнинг гувоҳлиги билан насаб собит бўлаверади”, деган”<sup>21</sup>.

Аллома Хоразмий асарни ёзишда танлаган услубларидан яна бири – “ал-Ҳидоя” асарида келган масалаларни олдин ўтган уламоларнинг сўзи билан шарҳлашидир. Имом Марғиноний “ал-Ҳидоя” асарини ёзишда ўзидан олдин яшаб ижод қилган олимларнинг китобларига қанчалик кўп таянган бўлса, аллома Хоразмий ҳам худди шу каби мазҳаб имомларининг сўзларини келтириш орқали “ал-Ҳидоя”ни шарҳлаган. Зеро, бу услуб ислом уламоларининг ўз таснифотларида қўллайдиган энг машҳур услублардан саналади. Олим баъзи ўринларда “ал-Ҳидоя” асарини имом Сарахсийнинг “ал-Мабсут” асарида келган жумлаларнинг айна ўзи билан шарҳлаган. Бу услуб олимга нисбатан айб саналмайди, балки бунинг ҳам бир неча фойдалари бор. Зеро, масала ечимидаги баъзи бир фойдалар мусаннифнинг асарда қўллаган жумлаларидаги маънолар ва ҳарфлари орқали маълум бўлади. Бунга бир мисол: Бурҳониддин Марғиноний “Салам” савдосининг ножоиз ҳолатларини баён қилаётиб: “Боғланган ўтинларда ҳам салам савдоси мумкин эмас”, дейди<sup>22</sup>. Мана шу иборани Жалолиддин Хоразмий “ал-Мабсут”да келган айна иборалар билан ифодалаб: “Чунки

<sup>19</sup> Жалолиддин Хоразмий // Муҳаммад Аҳмад Ҳаққоний таҳқиқи. Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 2019. – Ж. I. – Б. 145.

<sup>20</sup> Абдулхай Лакнавий. “Ас-Сикоя ли атшани-л-ҳидоя”. – Покистон: Идароту-л-Қуръан ва-л-улуми-л-ислаимий, 1993. – Ж. VI. – Б. 420.

<sup>21</sup> Жалолиддин Хоразмий // Муҳаммад Аҳмад Ҳаққоний таҳқиқи. Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 2019. – Ж. VI. – Б. 379.

<sup>22</sup> Абдулхай Лакнавий. “Ас-Сикоя ли атшани-л-ҳидоя”. – Покистон: Идароту-л-Қуръан ва-л-улуми-л-ислаимий, 1993. – Ж. V. – Б. 227.

бундай ҳолатда ўтиннинг узунлиги, кенлиги ва қалинлиги маълум эмас. Агар мазкур сифатлари ҳам маълум қилинса, унда салам савдоси жоиз бўлади. “Ал-Мабсут”да шундай дейилган”, дейди<sup>23</sup>.

“Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” асарида танланган услублардан яна бири – “ал-Ҳидоя”да келган масалаларни бошқа мазҳаб уламоларининг сўзлари билан шарҳланганидир. Аллома Хоразмий “ал-Кифоя” асарини тасниф этишда ҳанафий мазҳабида айtilган турли фикрларни келтириш билан бир қаторда, айти шу масалага алоқадор бошқа мазҳаб сўзларини ҳам айтиб ўтади. Бу эса олимнинг мазҳабдаги таассуби йўқлиги ва фикҳий ҳукмларда чуқур билимга эга эканлигини билдиради. Бунга бир намуна: “ал-Ҳидоя” китобининг “Гувоҳлик” бобида имом Қудурийнинг: “Кўзи ожиз кишининг гувоҳлиги қабул қилинмайди”, дейилган<sup>24</sup>. Аллома Хоразмий мазкур масалани изоҳлаб шундай дейди: “Имом Молик: “Бундай кишининг гувоҳлиги қабул қилинади. Чунки кўзи ожизлик валоят ва адолатга тасир ўтказмайди. Бу икки хислат топилган кишининг гувоҳлиги қабул қилинади. Шунинг учун кўзи ожиз кишининг гувоҳлиги қабул қилинаверади”, деган.

Имом Зуфар: “Абу Ҳанифадан эшитишга боғлиқ бўлган масалаларда кўзи ожиз кишининг гувоҳлиги қабул қилиниши ҳақида ривоят бор”, деган. Чунки кўзи ожиз киши эшитишга алоқадор ишларда худди кўзи очик кишилар билан бир мақомда бўлади.

Абу Юсуф ва имом Шофеъийлар: “Агар инсон кўзи очик вақтида бир гувоҳликни қабул қилиб олган бўлиб, уни адо қилиш вақтида кўзи кўрмайдиган бўлиб қолган бўлса ва мазкур иш дайн (қарз) ва ақор (кўчмас мулклар) сингари унга ишора қилиш эҳтиёжи бўлмаган ишлар бўлса, унда гувоҳлик қабул қилинаверади”, дейишган<sup>25</sup>.

“Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” асарида қўлланилган методлардан яна бири – “ал-Ҳидоя”да келган ибораларни луғавий шарҳлашдир. Жалолиддин Хоразмий “ал-Ҳидоя” матнида учрайдиган ғариб лафзларни очиклаб кетади, агар лафзда мушқиллик бўлса, унинг таърифи ва иллатини баён қилиб ўтади. Агар лафз бошқа маъноларни ҳам ифода этадиган кўп маъноли сўзлардан бўлса, ундан огоҳлантириб мазкур сўздан мақсад иккинчи ва учинчи маънолар эмаслигини айтиб ўтади. Бунга “ал-Ҳидоя” асарида келган қуйидаги жумла мисол бўлади:

ولا في الرطبة جزا [ва лаа фи-р-ротбати журзан]<sup>26</sup> жумласидаги [журзан] сўзини аллома Хоразмий таҳқиқ қилиб шундай деган: “Бу сўз бирикмасида “ж” ҳарфидан сўнг “р” ҳарфи келиб ундан сўнг “з” ҳарфи ишлатилганда тўғри бўлади. Шунда сомон ва шу каби нарсалардан бир боғлами тушунилади. Аммо “ж” ҳарфини касра қилиб

<sup>23</sup> Жалолиддин Хоразмий // Муҳаммад Аҳмад Ҳаққоний таҳқиқи. Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 2019. – Ж. V. – Б. 161.

<sup>24</sup> Абдулхай Лакнавий. “Ас-Сикоя ли атшани-л-ҳидоя”. – Покистон: Идароту-л-Қуръан ва-л-улуми-л-исламия, 1993. – Ж. V. – Б. 434.

<sup>25</sup> Жалолиддин Хоразмий // Муҳаммад Аҳмад Ҳаққоний таҳқиқи. Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 2019. – Ж. V. – Б. 395.

<sup>26</sup> Абдулхай Лакнавий. “Ас-Сикоя ли атшани-л-ҳидоя”. – Покистон: Идароту-л-Қуръан ва-л-улуми-л-исламия, 1993. – Ж. V. – Б. 227.

ундан кейин иккита “з” ҳарфи билан جزز [жиззун] деб ўқиладиган бўлса, “кесилган жун” маъносида бўлиб қолади. Бу эса жумладан кўзланган мақсадга тўғри келмайди”<sup>27</sup>.

Жалолиддин Хоразмий “ал-Кифоя” асарида масалаларни баён этаётиб Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний, Абу Юсуф, Кархий, Паздавий, Темуртоший, Нотифий, Зоҳидий, Қозихон, Шамсулаимма Сарахсий, Ҳалвоний, Ибн Моза, Насафий ва бундан бошқа ханафий мазҳаби имомларининг китобларидан жуда кўп ўринларида фойдаланган. Шу билан бир қаторда мазҳаб ичидаги ўзаро ихтилофлар, ханафий мазҳабининг шофейъий ва моликий мазҳаби орасидаги фарқлар келтириб ўтилган.

Олим асарни ёзиш жараёнида кўпинча келтираётган сўзларини қайси китобдан ва қайси уламнинг гапини олаётганини очиқ-ойдин айтиб ўтса, гоҳида келтирган жумлаларни ким айтган бўлса, ўша олимга ҳавола қилиб “Фалончи айтди”, “Фалончи зикр қилди”, “Бу китобда бундай дейилган”, деб ўтади.

Бундан ташқари, Жалолиддин Хоразмий “ал-Ҳидоя” келтирилган ҳар бир китоб ёки ҳар бир боб ёхуд фаслларга алоҳида муқаддималар тузиб, айрим ҳолатларда уларнинг луғавий ва истилоҳий таърифларини баён этиш билан кифояланса, гоҳида мавзудан кўзланган мақсад, унинг шарт ва рукнлари жорий қилиниш сабалари ва бундан бошқа жиҳатларга тўлиқ тўхталиб ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, Жалолиддин Хоразмий “ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” асарини ёзишдаги услубини қисқача шундай изоҳлаш мумкин:

Асарни тасниф этишда баъзи шарҳларда учрайдиган ошиқча жумлалар ва чигал лафзлардан имкон қадар сақланилган. Шу билан бирга жумлалар енгил ва осон тузилишига этибор қаратилган;

Асар ҳадиси шарифлар, осорлар, қадимги уламоларнинг усулий қоидалари ва фикҳий қарашлари билан бойитилган;

Асардаги келтирилган масалаларнинг ўзаро фарқлари зикр қилиниб, унга фаразий мисоллар билан жавоблар бериб ўтилган;

Айтилган сўзларнинг қайси бири саҳиҳроқ экани ва уларнинг иллатлари баён қилиб берилган;

Қолаверса, Жалолиддин Хоразмий “ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” асарини ёзишда ўзига хос бир неча услублардан фойдаланганини кўриш мумкин;

Олим асарда келтирилган ҳар бир китоб ёки бобга кириш қилиб, унинг луғавий ва истилоҳий маънолари, жорий қилиниш сабаблари, шarti ва рукнлари каби мавзуга алоқадор маълумот билан муқаддима тузади ва сўнгра мавзуга киришади.

<sup>27</sup> Жалолиддин Хоразмий // Муҳаммад Аҳмад Ҳаққоний таҳқиқи. Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 2019. – Ж. V. – Б. 161.